

ФАРЗАНДИМНИНГ ТАБАССУМИ

Д.Юлдашева, ФарДУ доценти

-Ҳали болали бўлишса, тинчиб кетадилар, мени айтди дерсиз.

Бундай юпатишлар, гап-сўзлар қулоғингизга тез-тез чалиниб туради, шундай эмасми?

Гоҳо ўйланиб қоласиз, биз болаларни авайлаб, алдаб, эркалаб ўстирамиз, деймиз, аслида ўзимиз уларга алданиб, эркаланиб улғаймаяпмизмикан? Ҳаётнинг юз бир синовларидан, кетма-кет зарбаларидан чарчаган вақтимизда фарзандларимизнинг мунчоқдек кўзлари, чучук сўзлари, эркаликлари, кўйингки, шириндан-шакар хатти-ҳаракатлари бизларни юксакка интилишга, тўхтамасликка ундамасмикан! Қизларимнинг миттигина қўлчаларини ушласам, руҳимдаги қўрқув, ваҳима қаергадир йўқолгандай бўлади, шунда фарзандларимнинг қалбидан таралаётган оҳанграбони, кўз илғамас меҳру оқибатни тўйгандай бўламан. Ҳеч ким уларчалик озорсиз сўзламаслигини, уларчалик оғриқсиз дашном беролмаслигини англайман.

-Аяжон! Мен сиз билан бирга ухлай бўлмасам боболар «ей-ма-н», дейди. Аяжон, тезда кўзингизни юминг.

Қизим қўғирчоғига:

-Пиёлани секи-и-ин кўйиш керак, тапиллатса уят бўлади. ўзинг ақлли қизсан-ку.

Сўнг югуриб олдимга келади.

-Зирагимни ечиб кўйинг.

-Нимага қизалоғим?

-Чарчаб кетдим, энди дада бўламан.

-Аяжон, ўзимнинг аяжоним,-юзимдан ўпиб қўяди. Бувисининг қараб турганини сезиб, мени ҳам бувисини ҳам бўйнидан ачомлаб:

-Уччаламиз ўртоғмиз, пиёлада қаймоқмиз.-деганларини эсласам, қизалоғимнинг чексиз қувончу шодликлари эвазига мен нима беряпман деб ўйланиб қоламан.

Биласизми, чақалоқ туғилибоқ ниманидир излаб, ахтариб, қўмсаб йиғлайди. Излаганини топса, хотиржам уйқуга кетади.

Агар топмаса-чи?

Биринчи меҳрибонлик уйлари асримиз бошида АҚШда ташкил топган, ота-онасиз, боқувчисиз қолган чақалоқлар етарли озиқ-овқат, дори-дармон, турли кийим-кечаклару ўйинчоқлар билан таоминланган. Лекин уларнинг ҳаёти узоқ давом этмаган. Кўзларини катта-катта очиб, бир нуқтага термулиб, бармоқларини сўриб, миттигина тугмачадай ғунча сингари сўниб, аянчли ҳалок бўлаверганлар. Ҳамшираларнинг елиб-югуришлари зое кетаверган. Чорасиз чақалоқларни бошқа гўдаклардан ажратиб парваришлаганлар. Аммо ўлимнинг сони камаймаган. Олмониянинг шундай меҳрибонлик уйларининг бирида фарзандсиз ҳамшира энг оғир болани уйига олиб кетади. у бир дақиқа гўдакни қўлидан қўймайди. Бор меҳрини, вақтини унга бағишлайди. Водариғ, эрта-индин умри қолган чақалоқ яна жонланади, ҳаётга қайтади, ўса бошлайди, юзига табассум қўнади. Демак, бу оғир

касалликнинг номи соғинч, интизорлик, меҳрга ташналик экан-да! Чақалок ҳам жонли мавжудот, инсон миттигина юракчаси бор одамзод экан-да! Гўдакки, шунчалик, орзиққан туйғуни эсини таниётган фарзандларимдан аямаяпманми? Сон-саноксиз юмушлардан, ҳаловатсиз, серғалва турмушдан ортиб уларга етарли вақт ажратяпманми?

Ўзимнинг болалигимни эслайман. Минг азоб билан боғчага ташлаб келганларини, ўзбекча калом билмайдиган опаларнинг дўқ-пўписаларини, қатор қилиб терилган ҳеч ким ўйнамайдиган ўйинчоқларнинг кўрғазмасини, кечалари онамизнинг эртақларини, эртага боғчага бормаيسان, деб алдашганларини эслайман. Мен ҳам болаларимни шу зайлда, «алдагани бола яхши» тарзида вояга етказмаяпманмикан? Бизнинг болалигимиз-ку, алдовли мафкурага, инсон шахси камситилган, ақлу тафаккур эмас, зўравонлик илгарилаган даврга тўғри келди.

Лекин бугунги кун, давр учун мусича янглиғ оғзидан ошини олдирадиган нўноқ, ночор полапонлар эмас. Шахси, «мени» улуғланган лочинлар, бургутлар керак. Бунинг учун эса, бола ҳар бир кунида, ҳар дақиқада ўзининг подшолигини ҳис этиб, сезиб яшаши лозим.